



## ПОЛИСЕМАНТИК ЛЕКСЕМАЛАР

**Зумрадхон Ибрагимова**

*ФарДУ катта ўқитувчиси.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада тилшунослик доирасида полисемантик бирликлар, яъни полисем лексемалар ҳақидаги фикрлар ёритилган. Сўз ва лексеманинг ҳамда синоним антоним, омоним, полисемем лексемаларнинг ифода, мазмун томонларини тўлиқ очиб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** Сўз, семема, эма, синоним, антоним, пароним, омоним,

Маълумотларга кўра, кўп маъноли сўзлар ёки полисемантик сўзлар термини остида лексик маъноли бирликлар ҳам, грамматик маъноли бирликлар ҳам ўрганилиши ҳақида фикрлар мавжуд. Шунга қарамай полисемем лексемалар термини остида фақат лексик маъноли бирликлар ўрганилиб келинган. Демак, ўзбек тилига ўгириш орқали, полисемем лексемалар термини ўрнида кўп маъноли сўзлар терминини алмаштириб қўллаш мумкин бўлади. Ушбу фикр доирасида, лексик омонимлар, лексик синонимлар, лексик антонимларнинг луғавий маънолари ўрганилиши мумкин бўлади. Бунда омоним, синоним, антоним сўзларнинг луғавий ҳамда грамматик маъноси таҳлилга тортилади. Лексик маъно тушунчанинг ихчам, барчага тушунарли ҳолга келтирилган, маълум меъёрга солинган кўринишидир. Сўз маъноси тилга ва нутқий ҳодиса, яъни нутқимиз эса инсон тафаккурига хос ҳодисадир.

Лексик маънони ифодаловчи семема, грамматик маънони ифодаловчи семема каби турларга ажратилади. Лексик маънони ифодаловчи семема, асосан, денотатив ва коннотатив семалардан иборат бўлади. Айрим семемалар фақат денотатив семалардан иборат бўлиши кузатилади. М., *ўспирин*. Баъзилари эса фақат коннотативмаъно ёки семалардан иборат бўлади. М., *зиқна, вайсақи*. Айрим семемалар денотатив ва коннотатив семалардан иборат бўлади. М., *юз, турқ, афт*. Семема яъни маънонинг таркиби сема термини билан аталади. "Семанинг таркибий қисми эса эма ёки субсема", - деб юритилади".

Семема таркибидаги семаларни лексик ва грамматик маъно ифодалашига кўра бир нечта турларга бўлишимиз мумкин бўлади. М., лексик маъносига кўра: денотатив семалар, коннотатив семалар; морфем таркиби нуқтаи назаридан эса: ядро сема, дериват сема, релятив сема; семаларнинг семантик майдондаги ўрнига кўра: интеграл сема, дифференциал сема, потенциал сема; грамматик маъно ифодасига кўра - граммема (грамматик сема) (граммемани қўйидаги турларга бўлиниши кузатилади: туркумлик семаси, категориал сема, нокатегориал сема, сиртқи сема, лексик-грамматик сема); синтактик муносабатни ҳосил қилишини ҳисобга олинишига кўра - классема каби типларни ҳосил қилади.





Денотатив семалар лексеманинг луғавий маъносини шакллантиради. Коннотатив семалар лексеманинг денотатив маъносининг устига юклатилган қўшимча маъноларни ифодалайди. Коннотатив семалар уч гуруҳга ажралади: баҳоловчи семалар, эмоционал-экспрессив бўёқ ифодаловчи семалар, услубий хосланишни ифодаловчи семалар. Ядро семалар эса етакчи морфеманинг маъносини ташкил этади. Дериват семалар сўз ясовчи қўшимчаларнинг маъносини шакллантиради. Релятив семалар шакл ясовчи қўшимчаларнинг маъносини таркиб топтиради. Интеграл сема лексемаларни бир семантик майдонга бирлаштирувчи ва маълум бир турга, синфга мансублигини кўрсатувчи сема саналади. Баъзи тадқиқотчи олимлар томонидан эса архисема деб ҳам юртилади. [1.]

Интеграл семалар икки типга бўлинади: гиперсема (архисема), гипосема. Гиперсема лексемаларни ягона семантик турга бирлаштиради, гипосема шу турга мансуб лексемаларни яна бир қанча гуруҳларга ажратувчи ва шу гуруҳлар учун умумий бўлган сема саналади. Дифференциал сема мазмунан бир гуруҳни ташкил этувчи лексемаларни бир-биридан ажратувчи сема ҳисобланади. Потенциал сема – “лексема семемасида ҳамма вақт факультатив, яширин ҳолда бўлиб, маълум нутқ шароитидагина намоён бўлади, акс ҳолда эътиборга олинмайди”. [2.]

Грамматик сема (граммема) – грамматик маъно ифодаловчи семадир. Туркумлик семаси – лексеманинг қайси сўз туркумига мансублигини ифодаловчи сема ҳисобланади. Категориал сема - синтактик шакл ясовчи қўшимчаларнинг маъносини ташкил этувчи сема ҳисобланади. Нокатегориал сема- луғавий шакл ясовчи қўшимчалар ифодалайдиган семадир. Сиртқи сема деганда ёрдамчи сўзларнинг маъносини назарда тутилади. Лексик-грамматик сема – лексик маънолар таркибида такрорланувчи сема ҳисобланади. М., *беҳи*, *шинни*, *қизғалдоқ* лексемаларидаги “нарса” семаси лексик-грамматик семани юзага чиқишига сабаб бўлади. Классема эса тобе-ҳоким боғланишлардаги икки лексема учун ҳам умумий бўлган семадир.

“Полисемем лексема шаклан бир хил, маъноси бир - бирига яқин бўлган битта лексема, омонимлар эса шаклан бир хил, маъноси ҳар хил бўлган бирдан ортиқ лексемалардир, - деб изоҳланади. Омонимлар моносемем ёки полисемем лексемалардан ташкил топган лексик birlikлардир. Полисемем лексемалар бир туркум ёки турли туркумга хос маъно ифодаловчи семемалардан таркиб топади. Шаклдош сўзлар эса бир туркум ёки турли туркум доирасидаги лексемалардан иборат бўлади. Кўп маъноли сўзлар бир хилдаги шакл ясовчи қўшимчаларни олади. Шаклдош сўзлар эса камдан кам ҳолатларда бир хил грамматик шаклга эга бўлади. Омоним сўзлар турли синонимик ва антонимик қаторларга мансуб бўлади. Бу синоним ва антонимлар ўртасида ҳеч қандай алоқа бўлмайди. Баъзи полисемантик сўзларнинг синонимлари ўртасида маълум бир боғланишлар мавжуд бўлади.







Шунингдек, полисемем лексемалар полифункционал сўзлардан фарқланади. Бир сўзнинг турли маънода келиши полисемантик сўзлар, турли вазифада келиши эса полифункционал сўзларни юзага келтиради. Кўп маъноли сўзларнинг таркиби қуйидаги турларга бўлинади: 1. Тўғри маъно, кўчма маъно. 2. Бош маъно, ҳосила маъно. 3. Номинатив маъно, фигурал маъно. 4. Нейтрал маъно, коннотатив маъно. 5. Эркин маъно ва боғли маъно

[2. ]. (Боғли маъно учга бўлинади: фразеологик боғли маъно, синтактик боғли маъно, конструктив боғлиқ маъно) 6.Окказионал маъно. 7. Контекстуал маъно.Бош маъно ёки бошқа маънолардан ўсиб чиққан бўлиб умумий семалар асосида шу маъноларга боғланиб турган, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, киноя каби маъно кўчириш турларига асосланмайдиган маъно - ҳосила маъно саналади. Маъно кўчириш турлари асосида ҳосил бўлган маъно - кўчма маъно саналади. Кўчма маъно мажозий образларга таянса фигурал маъно ҳосил бўлади. Фигурал маънодан бадий услубда кенг фойдаланилади. Улар, асосан, номлашга эмас, тасвирни бойитишга, тасаввурни кенгайтиришга хизмат қилади. Бу фикрларни умумлаштириш учун *сел* полисемем лексемасини мисол келтирамиз:1.Шиддатли кучли ёғин, жала. *Баҳор фаслида қаттиқ сел ёғиб, янги чиққан ғўза ниҳолларини қатқалоқ қоплайди.* (Журналдан).

2.Шиддатли ёмғирдан, жаладан, қор эришидан ҳосил бўладиган лой-сув оқими. *Сел ювиб кетган ёки ёзнинг қаттиқ гирдоблари ялагантақир ерларнинг майда тошлари оёқ остида ғичирлайди.* (С. Айний “Қуллар”). 3. Гўштнинг суви, қони. *Сели билан қовурилган жигар.* 4.кўчма. Кўёшнинг кучли ҳарорати, кўёш нури оқими. *Осмон беғубор,тиниқ офтоб сели гўдак қулгусидай ёқимтой эди.* (О. Ёқубов “Кўҳна дунё”)5. кўчма Сел томчилари каби шиддатли ва беҳисоб. *Милтиқдан ўқ сели ёғдирилиб, “ура” садолари қум саҳросини ларзага келтирди.* (Ж. Шарипов “Хоразм”) 6. кўчма Бирон- бир воқеа-ҳодисанинг, жараённинг кучли, кўпайган ҳолати,оқими. *Элмурод шундай ўйлар селида ғарқ бўлиб, уйқуси қочди.* (Шухрат “Шинелли йиллар”)

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”[3.]да келтирилган ушбу маъноларнинг биринчиси бош маъно ҳисобланади. Иккинчи маъно биринчисига нисбатан ҳосила маъно, учинчисига нисбатан нисбий бош маъно саналади. Учинчи маъно ҳосила маъно саналади. Тўртинчи ва бешинчи маънолар эса кўчма маъноларни ифодалайди. Олтинчи маъно фигурал маъно саналиб, бош маъно денотатив ва коннотатив семалардан иборат бўлади. Ҳосила маъно денотатив, коннотатив ва умумий (боғловчи) семаларга эга бўлаиши билан, кўчма, фигурал маъно эса денотатив, коннотатив ва асословчи семалардан иборат бўлади. Кўчма маъноли лексемалар, одатда, услубий бетараф, фигурал маънолар эса услубий хосланган шаклларда намоён бўлиши кузатилади. Хуллас, полисемем лексемаларда семемаларидаги маъно кўчиши, торайиши, кенгайиши ва эллипсисга учраши сабабли доимий равишда ўзгаришда бўлади.





### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Рублева О. Л. Лексикология современного русского языка. - Владивосток 2004.
2. Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси.- Тошкент Mumtoz so'z,2010. Б. 150-58.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати,Тошкент:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. 3-жилд. Б. 476.
5. Chernischewa I.I, Stepanowa M.D. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. М., 1975. S 268.
6. Arsenyewa M. G. Grammatik der deutschen Sprache, М. , 1963.
8. Kurbonova M.O. The Golden Age Of Russian Literature. Texas. May, 2022. [www.zienjournals.com](http://www.zienjournals.com).
9. Kurbonova M.O. Aesthetical and philosophical views in the hermeneutical features of the independence poems. Восточный журнал социальных наук. Том 2, выпуск №05. <https://www.supportscience.uz/index.p>

